O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

## Ислом КАРИМОВ: Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 31-may • Payshanba • 64 (27.709) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

*Эртага — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*



## «ҲИММАТИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЭЛИМ!»

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи реконструкция қилиниб, ҳомийлар кўмагида янгидан жиҳозланди



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

**Шаҳар чеккасидаги сўлим ва осуда масканда жойлашган икки қаватли муҳташам, кўркам бино ичкарисига қадам қўямиз. Кенг, ёруғ, озода фойе турфа хил гуллар, ранг-баранг суратлар билан безатилган, янги, замонавий мебеллар қўйилган, қирмизи гиламлар тўшалган. Бу ердаги ўзига хос шароитдан кўнгиллар тўлиб, болалар дам оладиган, ўйнайдиган хоналарга бир-бир кириб чиқамиз. Ҳаммаси жойида. Ажойиб жиҳозлар, хилма-хил ўйинчоқлар. каравотлардаги оҳори тўкилмаган кўрпа-ёстиқларни айтмайсизми? Ошхонани кўриб, ўн чандон қувондик, баҳри-дилимиз очилди. Спорт залида болажонлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун зарур барча имкониятлар муҳайё этилган.**

3-бет

## ЎЗБЕКИСТОН УЧУН

ЯНГИ БОИНГЛАР

**Яқинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари сафида «Dremliner» («Орзудаги самолёт») деб номланган иккита ноёб, мутлақо замонавий «Боинг-787-8» самолёти пайдо бўлади. Тошкентда «Боинг» авиация-космик корпорацияси билан ушбу самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.**



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳонда нафақат йўловчилар хавфсизлигини, балки уларни қулайликлар билан таъминлайдиган энг ишончли авиакомпаниялардан бири сифатида расман эътироф этилган. Бугун айнан ушбу мезонлар авиакомпания фаолиятининг асосини ташкил этади. Лайнерлар парки мунтазам янгиланиб борилмоқда. Бу ерда кўплаб энг замонавий самолётлар, шу жумладан ўрта ва олис масофага парвоз қилиш учун мўлжалланган ўнта «Боинг-757» ва «Боинг-767» ҳаво кемаси бор. Бу самолётлар миллий авиакомпаниямизга халқаро авиаташишлар бозорига дадил чиқиш, лайнерларда ҳамда ерда қулайлик даражаси ва сервис сифатини халқаро талабларга кўтариш имконини берди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг давлат байроғи ранглари билан безатилган «Боинг»лар хориждаги Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Токио, Москва, Санкт-Петербург сингари кўплаб шаҳарларга парвоз қилмоқда.

Ўзбекистон МДҲда биринчилар қатори ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб энг сўнгги русумдаги «Боинг-787-8» лайнерларини харид қилиш учун шартнома имзолади. Ушбу ҳаво кемалари авиасозлик соҳасида мутлақо янги ҳисобланади. Улар энг илғор технологиялар асосида яратилган. Ушбу лайнернинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг кўплаб эҳтиёт қисмлари, жумладан, планери одатдагидек металлдан эмас, балки фуқаро авиациясида илк бор фойдаланилаётган замонавий композит материаллардан тайёрланган. Бундан ташқари, янги техник хизмат кўрсатиш тизими ҳам ушбу самолётларнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Бу тизим айрим техник сабабларга кўра, ерда кўрсатиладиган одатдаги хизмат кўрсатиш тизимидан фарқли ўлароқ, вақтни 30 фоиз тежаш имконини беради. Самолётлар дунёда тенги йўқ ва мавжуд ҳаво кемаларига нисбатан 25-30 фоиз кам ёқилғи ишлатадиган мутлақо янги двигатель билан жиҳозланган. Кенг корпусли ушбу лайнерлар «Боинг-767»нинг такомиллаштирилган русуми бўлиб, 18 соат мобайнида 17 минг километрдан ортиқ масофага қўнмасдан парвоз қилиш ва бир йўла 290 нафар йўловчини ташиш имконига эга иқтисодий жиҳатдан самарали самолётлардир. Шуниси эътиборлики, бу ҳар икки самолёт Ўзбекистон учун махсус ишлаб чиқарилади ва бизнес ҳамда иқтисод классидаги салонларга эга бўлади.

Шартнома имзолангандан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, бугун дунёнинг барча қитъаларидаги кўплаб авиаторлар бундай суперзамонавий лайнерларга эга бўлиш ҳақида фақат орзу қилиши мумкинлигини таъкидлади. Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг ушбу самолётларни харид қилиши эса Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз авиациясини ривожлантириш ва уни жаҳондаги энг илғор авиакомпаниялардан бирига айлантириш борасида кўрсатаётган улкан эътибори самараларидандир. Ушбу ғамхўрлик туфайли мамлакатимиз пўлат қанотлари янада кучли ва ишончли бўлиб бормоқда. Янги русумдаги «Боинг» самолётларини харид қилишга оид шартноманинг имзоланиши мустақил Ўзбекистон фуқаро авиацияси тарихида янги уфқларни очиши шубҳасиз.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида бу борада барча имкониятлар мавжуд. Унда барча русумдаги «Боинг»ларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратилган бўлиб, бунинг учун халқаро сертификат ҳам олинган. Ҳолбуки, МДҲ мамлакатларининг барча авиакомпаниялари ҳам бундай сертификатга эга эмас. Хорижий давлатлардан тушаётган буюртмалар ҳам бундай хизматнинг нечоғли сифатли эканидан далолат беради. Масалан, яқинда миллий авиакомпаниямиз «Ал-Италия» авиакомпаниясининг тегишли буюртмаларини бажарди. Натижада италиялик авиаторлар ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистонда юқори малакали учувчи ва техник ходимларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳам алоҳида эътиборга эга. Яъни, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида энг янги «Боинг»ларни қабул қилиш ва улардан фойдаланиш учун барча имкониятлар етарли.

— «Боинг» корпорацияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошланди, — дейди «Боинг» компаниясининг шартномалар бўйича минтақавий директори Тибет Гирай. — Бу ҳамкорлик мунтазам ривожланиб бормоқда, ўзаро ишонч ортмоқда. Янги самолётларимиз ҳам шаҳарлар, мамлакатлар ва қитъаларни боғловчи ўзига хос робита сифатида мустақил Ўзбекистонга хизмат қилишидан хурсандмиз.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## БЕТАКРОР

САНЪАТИМИЗ НАМОЙИШИ

**Москвада ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Ўзбекистон санъати кечаси» бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилди. Жамғарма матбуот хизматининг ЎзА мухбирига хабар қилишича, кечада кўплаб меҳмонлар — Россиянинг таниқли сиёсатшунос ва дипломатлари, Давлат думаси депутатлари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият ва спорт намояндалари, журналистлар иштирок этган.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси Г.Каримова тадбирни очар экан, жамғарманинг асосий вазифаси хорижда ўзбек маданияти ва санъатини тарғиб қилиш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат эканлигини таъкидлади. Бугун Москва, Пекин, Токио ва Парижда жамғарма ваколатхоналари ишлаб турибди, ЮНЕСКО ташкилоти билан Ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Буларнинг барчаси жамғарма фаолиятини кенгайтириш, жумладан, таълим дастурларини амалга ошириш, ёшлар учун танлов ҳамда фестиваллар ташкил этишга ёрдам бермоқда. Кечада Ўзбекистоннинг ёш истеъдод соҳиблари — мазкур танлов ва фестиваллар совриндорлари ҳамда дипломантлари ўз санъатини намойиш этди.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

## «БОЛАЛАРНИНГ

БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ва вилоят партия ташкилотлари томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ана шу шиор остида қатор байрам тадбирлари ўтказилмоқда.**

Бухоро шаҳридаги «Нафис» ва «Хумо» спорт мажмуаларида ўтказилган теннис, бадминтон, гимнастика мусобақаларида 400 га яқин бола қатнашди. Улар шунингдек, «Қувноқ стартлар», асфальтда расм солиш бўйича ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ғолиблар ва иштирокчилар қимматбаҳо совға-саломлар билан рағбатлантирилди. Бунда вилоят партия кенгашига «Бухоротранстерминал» корхонаси жамоаси мадад қўлини чўзди.

Куни кеча эса шаҳардаги 4-поликлиника болалар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди. Шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан бу ерда катта байрам дастури намойиш этилди. Болажонларни ХДПдан сайланган шаҳар Кенгаши депутатлари — поликлиника бош шифокори Моҳира Содиқова, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Рустам Остонов ва бошқалар байрам билан муборакбод этдилар. Болалар ҳеч қачон катталар эътибори, назаридан четда қолмаслиги таъкидланди. Шундан сўнг болаларга ширинликлар, турли хил ўйинчоғу қўғирчоқлар совға қилинди. Байрам даврасига Бухоро қўғирчоқ театри, санъат коллежи, 5-мусиқа мактаби жамоаларининг чиқишлари ўзгача шукуҳ бағишлади.

Шаҳардаги Роҳила Муҳаммадиева раҳбарлигидаги оилавий Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳам байрам совғалари улашилди.

— Ижтимоий ҳимоя, алоҳида эътиборга эҳтиёжманд оилаларда тарбияланаётганларга ҳар доим бефарқ эмасмиз, — деди шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова. — Қаерда бўлмасин, барча болалар ўзимизники, улар беғубор, пок. Бу галги зиёратимиз бу оила аъзолари учун ёдда қоларли бўлди, деб ўйлайман. Чунки, байрам баҳона оила бошлиғи Роҳилахон ҳамда унинг қизи Муқаддас Турсуновага партия гувоҳномаларини тантанали равишда топширдик.

Бундай байрам тадбирлари вилоятнинг қатор туманларида ҳам ўзгача руҳда ўтмоқда.

***Даврон БАҲРОНОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

Мулоҳаза

## КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР:

ИЧКАРИСИ ГЎЗАЛ, ТАШҚАРИСИ-ЧИ?!

**Пойтахтимиз аҳолисининг аксарият қисми кўп қаватли уйларда яшайди. Кейинги йилларда шаҳар марказида ҳам, даҳаларида ҳам бири-биридан муҳташам кўп қаватли уйлар қад ростлади. Аммо бу уйларнинг деярли ҳаммаси учун хос бўлган, дилни ранжитадиган бир «манзара» бор... Очиғини айтганда, бу муаммо фақат пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларгагина тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам бу масалага жамоатчилик эътиборини қаратиш лозим деб ҳисобладик.**



### УЙЛАР ҲУСНИДАГИ ДОҒЛАР

Кўп қаватли уйларнинг олд томонини сал узоқроқдан туриб томоша қилгансизми? Эътибор берганмисиз, биринчи навбатда кўзга нималар ташланади? Албатта, балконлар! Бироқ балконлар бир-биридан фарқ қилади: кимдир ром билан ўраб олган, яна кимдир бир қисмига ғишт териб ташлаган. Биров ғишт устига қорасувоқ урган бўлса, бошқаси замонавий қурилиш ашёларидан фойдаланган — оқ пластик ёки алюмин ромлар эски, бўёқлари кўчган ёғоч ромлар орасида ярақлаб турибди. Хавфсизлик мақсадида балконларга ўрнатилган темир панжараларнинг ҳам шакли, бўёқлари турфа хил... Реконструкцияга учраганларининг тузилиши, ташқи дизайни ҳақида тўлиқ маълумот беролмасак, қолганини ўзингиз қўшиб қўярсиз.

Келинг, кўп қаватли уйнинг катта кўчага қараган қисмини яна бироз кўздан кечиришда давом этайлик: нималарни кўраяпсиз?

...Кир қуритиш арқонлари ва уларга осилган кирларними? Бу дорларга нималар илинмаган — олақуроқ кўрпа, адёллардан ташқари болалар ва катталар кийим-кечаги-ю, мени маъзур тутасизу... аёлларнинг ранг-баранг ички кийимларигача кўриш мумкин.

2-бет

# ЕТАКЧИ

## ИБРАТИ

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

**Наманган туманида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлиги кейинги пайтларда сезиларли даражада ошмоқда.**



Бу борада ХДП туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳам ўрни эътиборли. Ёшлар қаноти етакчиси Умиджон Солиев миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тумандаги касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ҳамда тиббиёт муассасаларида кўплаб учрашув-мулоқот, баҳс-мунозара ва давра суҳбатлари ташкил этиш ташаббуси билан чиқаяпти. Тадбир таъсирчанлигини таъминлашда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда.

Тошбулоқ педагогика коллежида яқинда ўтказилган тадбирда миллий ғоя, маънавият ва ахлоқ масалалари ҳақида сўз юритилди.

— «Давлат бошқаруви», «Қонунчилик», «Парламент» «Депутатлик фаолияти» каби тушунчаларни ёшлар суҳбатлар давомида тобора чуқурроқ тушуниб, теран англаб етмоқдалар, — дейди Умиджон Солиев. — Ўтказилаётган тадбирлар давомида сиёсий партиялар фаолиятига қизиқишнинг ортиб бораётгани сезилмоқда. Кўпчилик ёшлар ЎзХДПга аъзо бўлиш истагини билдираётгани ҳам партиямизнинг жамиятда обрўси ошиб бораётганидан далолат.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

**Суратда:** Умиджон Солиев (ўнгдан биринчи) фаол ёшлар билан.

ЎзХДП: электорат манфаати

# ШИФОХОНА

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОТАЛИҒИДА

Хоразм вилоятининг Урганч тумани Қоравул қишлоғидаги «ХОСПИС» шифохонасида бедаво дардга йўлиққан етимлар, бева-бечора, ногирон — ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга тиббий ва бошқа инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилади.

Партия вилоят кенгаши ушбу шифохонага маънавий мадад қўлини чўзганлардан бири бўлди.

— Шифохонани оталиққа олишга қарор қилдик, — дейди ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Рейимбой Собуров. — Аввало, вилоят кенгаши ходимлари ташаббуси билан ҳомийларни жалб этиб, иқтисодий ёрдам кўрсатдик. Бундан кейин ҳам худди шундай қўллаб-қувватлашни давом эттиришни режалаштирганмиз. Фақат шу билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз шифохонада даволанаётган беморларни маънан қўллаб-қувватлашдир. Биз шу мақсадда беморлар учун бир қатор маданий тадбирлар ўтказиш, турли байрамларни кўнгилдагидек ташкил қилиб бериш ва бошқаларни режалаштирдик.

Яна шуни қайд этиш керакки, партия ташкилоти партиядан сайланган депутатлар, саховатли ХДП фаолларини ҳам шу ишга жалб қилиш ниятида.

— Беморларимиз худди шундай инсонпарварлик ёрдамларига муҳтож, — дейди касалхона бош шифокори Қадамбой Қодиров. — Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчилардан бўлиб бизга эътибор қаратгани, касалхонамизда бўлиб, бу кўнгли ўксик инсонлар ҳолидан хабар олиб, уларга озми-кўпми ёрдам қўлини чўзгани бизни беҳад қувонтирди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# БЕТАКРОР

## САНЪАТИМИЗ НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анъанавий, мумтоз ва замонавий ўзбек санъати намуналарини ўз ичига олган кеча дастури бой ва мазмунли бўлди. Россия миллий филармонияси оркестрининг бадиий раҳбари Владимир Спиваков дирижёрлик қилган Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри, ёш хонанда ва мусиқачилар — мақомчи Севдиёр Давлатов ва Шаҳзод Жўраев, доирачи ака-ука Ҳакимовлар, «Алладин» болалар гуруҳи ҳамда брейк-данс рақсларини ижро этувчи «Гранд мастер» гуруҳининг чиқишлари кеча қатнашчиларининг олқишига сазовор бўлди. Фаррух Зокиров ва «Ялла» гуруҳи, Рашид Холиқов, Самандар, Райҳон ва бошқа ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, «Офарин» рақс театри артистлари ижросидаги миллий ўзбек рақси композицияси Москвадаги Форум-холлда бўлиб ўтган кечага ўзгача завқ ва файз бағишлади.

Россия пойтахтида ўтказилаётган Ўзбекистон санъати кечаларининг таркибий қисми бўлган анъанавий бадиий кўргазмада республикамиз музейларида сақланаётган миллий либослар, ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг рангтасвир ва миниатюра санъати асарлари намойиш этилди.

Москвада 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон санъати кечаси» жамоатчилик орасида эътибор қозонмоқда. Зеро, чет элда, хусусан, Ҳамдўстлик мамлакатларида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан, маданият соҳасида ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Миллий санъатимиз қайта тикланмоқда, унинг замонавий йўналишлари жадал ривожланмоқда. Россия оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Москвада бўлиб ўтаётган Ўзбекистон санъати кечалари мамлакатимизнинг бой салоҳиятини яққол намоён этмоқда, Россия пойтахтининг маданий ҳаётида ёрқин воқеага айланмоқда.

Бу борада кеча қатнашчилари ҳам ўз фикрини билдирди.

«Постскриптум» телевизион дастурининг раҳбари ва бошловчиси Алексей Пушков кенг жамоатчиликка ҳар гал Ўзбекистоннинг янги-янги қирраларини очиб бераётган, мамлакатимиз ҳақида ёрқин ва унутилмас таассуротлар қолдираётган ушбу тадбирларда ҳар йили иштирок этишини таъкидлади.

— Бу Москва маданий ҳаётидаги ажойиб воқеадир, — дейди МДУ ректори Виктор Садовничий. — Ўзбекистон санъати кечалари туфайли бир-биримиз билан янада яқинроқ танишмоқдамиз. Менинг фикримча, бундай тадбирларни МДҲнинг бошқа мамлакатларида ҳам ўтказиш керак.

— Ўзбекистон санъати менда катта таассурот қолдирди, — дейди Россия Федерацияси Давлат думаси депутати Любомир Тян бу фикрни қўллаб-қувватлар экан. — Ўзбекистон бу борада бошқа мамлакатларга намуна бўлмоқда. Зеро, ҳеч нарса халқларни санъат ва маданият каби бирлаштира олмайди. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш лозим. Бу эса, ўз навбатида, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хонанда Сосо Павлиашвили ҳам одамларни эзгулик ва маданият орқали бирлаштириш энг тўғри йўл эканини таъкидлайди.

«Евразия Групп» медиа-холдинг раҳбари Вартан Тоганяннинг айтишича, Москвадаги Форум-холл Ўзбекистоннинг дўстлари учрашадиган ўзига хос клубга айланди.

— Маданият соҳасидаги ҳамкорлигимизни жадал ривожлантираётганимиз сайин ўзимиз ҳам маънан бойимоқдамиз, — дейди таниқли модельер Валентин Юдашкин. — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси туфайли биз ажойиб ёш истеъдод соҳиблари – мусиқачилар, артистлар, актёрлар санъатидан баҳраманд бўлдик, қадимий анъана ва урф-одатларга эга ўзбек халқининг бой ва ўзига хос тарихи билан танишиш имкони туғилди.

— Ўзбекистонлик мўйқалам усталари дунёнинг энг яхши рассомлари қаторида туришига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди рассом Никас Сафронов кўргазма билан танишар экан. — Уларнинг асарларида анъанавийлик ҳам, ўзига хос хусусиятлар ҳам акс этган. Ушбу асарларда муаллифларнинг кайфияти, Шарққа, ўзлари тасвирлаётган одамларга бўлган муҳаббати, ички кечинмалари яққол кўриниб турибди. Ўйлашимча, кечанинг ҳар бир иштирокчиси бундай санъатдан баҳраманд бўлганидан мамнун.

Москвада бўлиб ўтган «Ўзбекистон санъати кечаси»да Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Д.Медведев, Хавфсизлик кенгаши котиби И.Иванов, Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчилари И.Шувалов ва Ж.Поллиева иштирок этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚАДИМИЙ ХОРАЗМГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Венадан Урганч халқаро аэропортига қўнаётган самолётларда сайёҳлар кела бошлади. Бу чартер рейслар Австриянинг «СТА-SKV-WAVS» сайёҳлик компанияси томонидан ташкил қилинди. Шундай қилиб, ҳар ҳафтада бир рейсда Австрия, Швейцария, Германия каби мамлакатлардан келадиган 1,5 минг нафардан зиёд сайёҳ апрель-май ойларида Хиванинг қадимий осори-атиқалари билан танишиш имкониятига эга бўлди. Уларга эса «Хоразм палас», «Хива-Малика» каби замонавий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

Мулоҳаза

# КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР:

## ИЧКАРИСИ ГЎЗАЛ, ТАШҚАРИСИ-ЧИ?!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тўғриси, ана шу сўнгги матоҳларни ёзиб, ўйланиб қолдим. Бир замонлар аёлларимиз ҳатто ҳовлида ҳам ўз кийим-кечагини бегоналар кўзи тушмайдиган панароқ жойларда қуритганини эслайлик. Афсуски, юқоридаги каби манзараларни ҳар куни кўраверив, кўзимиз ҳам ўрганиб кетди, шекилли. Баҳона ҳам тап-тайёр: нима қилайлик, этажда яшагандан кейин бошқа йўли йўқ-да...

### КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Марказ-12 даҳаси, Усмон Юсупов кўчасидаги 1«А» уй «Омина-нур коммуналчи» ширкатига қарашли. Бу уй кўпчиликка таниш — биринчи қаватида МТС — «Ўздунробита» компаниясининг бош офиси жойлашган. Биринчи қаватнинг алюкобонд билан ўралган фасади (тарз қисми) кўзни қувонтиради. Назарингиз юқори қаватларга тушгани сайин ҳозиргина минг хижолат билан тилга олган манзарани кўраверасиз: ғишт билан ўралган балконлар, кир қуритиш арқонлари...

Ёнма-ён жойлашган 1-«б» уй кўриниши ҳам шу аҳволда. Хонадонлардан бирининг бекаси Элмира исмли аёл билан суҳбатлашдик.

— Уйни йиғиштиргандим, ювиладиган кийимлар тўпланиб қолди, — дейди бека. — Нима, мумкин эмасми?

«Омина-нур коммуналчи» ширкати ижрочи директори Гулнора Тожиева қисқагина тушунтириш беради:

— Уйнинг катта кўчага қараган юзида кир ёйиш мумкин эмас, кўринишни бузади...

Ювилган кийим-кечакни юқори қаватларда яшовчилар қаерга оссин, ҳовлига жой қилиб илса, қоровуллик қилиб ўтириш керак. Бу ҳақда озгина баҳс-мунозара ҳам бўлди. Ҳеч бўлмаса, уйнинг кўчага қарамаган томонига осиш керакдир...

Бу масала устида ўйлаб кўрилиб, бирор ечими топилар. Аммо, балконлар қиёфаси-чи?

— Айрим хонадон эгалари балкондаги ўзгартиришларни туман ҳокимлигининг рухсатномаси билан амалга оширганлар, — дейди Гулнора Тожиева.— Уйларни ширкатга қабул қилганимизда шу ҳолда эди. Мулкдорларга ноқонуний қурилмалар қуриш мумкин эмаслигини тушунтириш бизнинг вазифамиз.

«Тушунтириш билан иш битмаса-чи? Ким, қайси идора таъсир чораларини кўра олади?» Бу саволга «Албатта, ширкатлар», — дея жавоб беради Шайхонтоҳур туман уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Искандар Холмирзаев.

Сўнг қўшиб қўйди:

— Айни пайтда йирик ширкатларнинг бўлиниб, битта, иккита уй мулкдорлари аъзо бўлган ширкатларга айланган бундай масалаларнинг назорати, ечимини осонлаштиради.

Ширкат бошқарувининг асосий ҳал қилувчи органи — умумий йиғилиш ўз аъзоларининг 51 фоизи қатнашган тақдирдагина қарор чиқара олади. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, битта уйдаги хонадонларнинг ярмидан кўпида балконлар ўзгартирилган бўлса, уй эгалари қандай қилиб ўзига қарши ўзи овоз беради? Ва ўз навбатида ширкатнинг ноқонуний реконструкция асосида уй кўринишини бузган мулкдорларни бир четдан судга беришини ҳам тасаввур қилиш қийин, негаки, бундайлар уч-тўртта бўлса бошқа гап эди.



Искандар Холмирзаев айнан шу масала юзасидан ўзини ўйлантираётган айрим таклиф ва мулоҳазаларини ҳам баён этди:

— Менимча, бу соҳада ҳокимликлар қошидами, буни ўйлаб кўриш керак, турар-жой инспекцияларини ташкил қилиш керакка ўхшайди. Ана шунда бу инспекция архитектура кўринишини сақлаш, ноқонуний қурилишларга барҳам бериш ва бу масалада аҳолига тушунтириш ҳамда қонун бузилган ҳолларда қай тартибда чора кўрилиши лозимлигини кўрсатиб беради.

Чунки турли мамлакатларда аллақачон фаолият кўрсатаётган бундай турар-жой инспекцияларининг ибратли тажрибалари хусусида эшитганмиз. Биласиз, бугунги кунда пойтахтимиз ва вилоят ҳамда туман марказларида кўп қаватли уйларга аҳолининг эҳтиёжи катта. Юқоридагидек, кўнгилни хира қилувчи ҳолатларни назорат қилиш ва шаҳарсозлик қонун-қоидаларига қатъий риоя этишнинг меъёрларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

### БАЛКОНЛАР МУАММОСИ

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: қай бир даҳа ёки мавзедаги исталган кўп қаватли уйларда яшаётганларнинг аксари балконидаги беўхшов «ўзгартиш»ларни ўзича изоҳлайди: «Бизнинг иқлимга мос келмайди, ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлаяпти». Бировлар эса яшаш майдонини кенгайтириш учун ошхонасини балконга олиб чиққан...

Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси мутахассиси Ойбек Маматов кўпқаватли уйлар балконидаги турли хил «қўлбола» «реконструкция»лар замонавий лойиҳалар асосида миллион-миллион маблағлар эвазига бунёд бўлган уйнинг ташқи кўринишини бузишдан ташқари яна бошқа қатор оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида ҳам куюниб гапирди:

— Айримлар куюниб яшаб турган хонасини кенгайтириш учун балконга туташ «кўтарувчи девор» деб аталадиган деворни ва бошқа элементларни ҳам олиб ташлашмоқда. Бу эса бутун бир уйнинг авария ҳолатига сабаб бўлиши мумкинлигини одамлар ҳатто хаёлига ҳам келтирмаётганини қандай изоҳлашни билмаймиз.

Яна бир муҳим жиҳатни айтиш керак: ҳамюртларимиз яшаётган уй ҳам, унинг атрофидаги ҳудуд ҳам шу ширкат тасарруфида, бошқарувида! Қонунчилигимизда ширкатларга жуда кенг ҳуқуқлар берилган. Лекин улар шу ваколатлардан қай даражада фойдаланяпти, деган саволга келсак, жавобини юқорида кўрдик. Анчагина жиддий. Ҳатто исталган кўп қаватли уй ҳудудида бирон қўшимча қурилиш амалга оширилишидан аввал ширкат аъзолари умумий йиғилиши розилик берсагина туман ҳокимлиги қарор чиқариши мумкин. Бу қоидалар ҳар доим ҳам бажариляпти, деб бўлмайди.

Бизга ноқонуний равишда амалга оширилаётган бундай таъмирлаш ишлари бўйича кўплаб шикоятлар тушаяпти.

Тўғри, ҳар бир туманда меъморимиз бор. Лекин юзлаб уйларнинг меъморий кўринишини доимий назорат қилиб бориш мушкул. Ариза ва шикоятлар тушсагина, уларни ўрганиб чиқамиз, қонуний чора кўриш лозим бўлса, прокуратура ва фуқаролик судларига мурожаат қиламиз...

Суҳбатдошим кўпчиликни ўйлантираётган яна бир муаммога аниқлик киритади. Бу бевосита кўп қаватли уйлардаги ўзгартирилган балконларни қай йўсинда тартибга келтириш билан боғлиқ. Яъни шу пайтгача ҳар ким ўз билганича ўзгартирган балконларни нима қилса бўлади? Асл ҳолига келтириб бўлмайди энди.

— Уй-жой мулкдорлари ўзаро келишиб, балконни ўзларига мақбул бир хил кўриниш ҳолатига келтиришлари мумкин. Бунинг учун лойиҳалаш ташкилотларида лойиҳа тайёрлатиб олишлари керак. Агар бу лойиҳа уй-жой, шаҳарсозлик кодекслари қонун-қоидаларига ва меъёрларига тўғри келса, марҳамат, биз тасдиқлаб беришга тайёрмиз, — жавоб беради Ойбек Маматов.

### ХОТИМА ЎРНИДА

Бир қарашда жуда оддий ҳамда муҳокама қилиш ё мулоҳаза юритиш учун арзимасдай туюлаётган бу мавзу аслида ғоятда долзарб, деб ўйлаймиз. Нега дейсизми? Энди ўйлаб кўринг: ўзимиз-ку майли, бундай «ранг-баранг», ола-қуроқ балкону деразаларга ўрганиб ҳам қолдик. Ёхуд қўшни «дом»дан тортилган узун дорларга уст-бошимиздан то кўрпа-ёстиғимиз жилдигача осиб, кўз-кўз қилишдан тортинмаяпмиз. Лекин четдан, бирон хорижий юртдан меҳмон келиб, сизу бизнинг «текин томоша»мизга кўзи тушса нима деб ўйлайди...

Демак, дунёқарашимизни бир кўзгуга солиб кўрайлик энди. Ҳеч бир миллат ё элатдан ҳар қандай соҳада, айниқса, маънавият бобида кам эмаслигимизни кўп айтамиз. Лекин, бу хатти-ҳаракатларимиз ана шу баҳога муносибми?!

Яна такрор айтамиз: ўзимиз умргузаронлик қилаётган кўп қаватлими, кичик қаватлими, уйимизнинг ички тарафи қанча гўзал ва чиройли бўлишини қанчалар истасак, кўпчиликнинг назари тушадиган ташқи томони ҳам бежирим бўлмоғи учун шунча қайғуришимиз лозим эмасми?

Мисол учун, бирор ширкат раҳбари ёки унинг бирор вакили чиқиб, «уйимиз балконларига бир қаранглар, ранг-баранг бўлиб кетибдими? Келинглар, яхшиси бир хил, замонавий кўринишда безатиб қўяйлик. Чиқимига уйимиздаги битта қимматбаҳо маиший техниканинг пулиям кетмас. Кам таъминланган уч-тўрт хонадоннинг сарфини эса биргалашиб ё ширкат ҳисобидан кўтарармиз деса, ким кўнмайди? Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб бошлаган иш, албатта, хайрли бўлади.

Катта кўчалар юзидаги уйларга осилган кир қуритиш дорлари масаласида ҳам, худди шу тарзда яъни ўзаро келишиб, кенгашиб, назорат ўрнатилса ёмон бўлмасди. Бунинг учун уй-жой мулкдорлари ҳам, ширкат раҳбарлари ҳам бир-бирларини тушуниши, англаши керак.

Биз доим ўзимиз яшаётган уйнинг ичкарисида ўз қўлимиз билан яратган гўзал манзара-ю безаклардан фахрланамиз, ҳатто баъзиларимиз улар билан мақтанишни ҳам яхши кўрамиз. Лекин, негадир яшаётган уйимиз ташқи кўриниши, унинг ён-атрофи озода, ободлигига унчалик эътибор беравермаймиз.

Бу лоқайдлик белгисими ёки дидсизликми? Азал-азалдан ўз уй-жойини гўзал ва обод тутиб келган халқимизга ярашадими бу манзаралар? Саволлар кўп. Уларга ҳар биримиз ўзимиз жавоб топишимиз керак. Сиз нима деб ўйлайсиз, замондош?

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Банк ва мижоз

# ИШОНЧЛИ

## ҲАМКОР

**Халқ банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан ўтган 2006 йилда 703 та оилага кредитлар берган бўлса, жорий йилнинг шу кунига қадар 894 оилага 749,510 млн. сўмлик микрокредитлар ажратди.**

— Оилавий шароитимиз тўғри келмаганлиги, фарзандларимиз кўплиги боис, қишлоқда яшасак-да, бир бошгина соғин сигирга эҳтиёжимиз бор эди, — дейди Каттақўрғон тумани Мойбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Себистон» маҳалласи фуқароси Муҳаббат Рўзиева. — Президентимизнинг қарорларига кўра, Халқ банки томонидан берилаётган микрокредит эвазига яқинда бир бош соғин сигир харид қилдик. Энди оиламизга барака кирди. Рўзғоримизда сут-қатиқ бор. Насиб этса, яна қорамол олиб, боқиб, сонини кўпайтириб, тўй-томоша қиламиз, деган ниятдамиз..

Мамлакатимиз раҳбарининг ўтган 2006 йилда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиндан ҳам халқимиз орзу-истаклари йўлида янги қадам бўлди. Қарорнинг ижроси юзасидан Халқ банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 894 та оилага 749,510 миллион сўмлик, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 287 та оилага 219,144 миллион сўмлик микрокредитлар ажратди. Бу Нуробод туманида 15,00 миллион, Қўшработ туманида 102,61 миллион, Пастдарғом туманида 66,20 миллион сўмни ташкил этди.

— Мақсадимиз элга камарбасталик қилиш, — дейди Халқ банки Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи Сиддиқ Намозов. — «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Пастдарғом туманининг «Чандир» маҳалласи фуқароси Зуҳра Пўлатова ҳамда «Эсабой» маҳалласида истиқомат қилаётган Зафар Бобомуродовларга ҳомийлик ёрдами сифатида бир бошдан соғин сигир олиб бердик.

Бошқармамиз тасарруфида 20 та шаҳар, туман филиаллари, 40 та минибанклар фаолият олиб бормоқда. 2500 дан ортиқ мижозларга малакали банк хизмати кўрсатилаяпти. Минибанклардан ташқари 226 та сайёр ва 31 та махсус кассаларда аҳолига нафақа тўловларини амалга ошириш баробарида коммунал тўловларни қабул қилиш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб этиш хизматлари намунали йўлга қўйилган.

Депозит сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш йўлида ҳозир 14 хил омонат турлари амалиётга жорий қилинди. Омонат қолдиғи кўрсаткичлари 2007 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра 1 миллиард сўмга ошди.

— Фарзандимга икки ёшгача бериладиган нафақа оламан, — дейди Пайариқ тумани, «Чоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Хаккари» қишлоғида яшовчи фуқаро, ЎзХДП аъзоси Наима Умирова. — Нафақа пулларимизни туман Халқ банки ходими Ширинбой Жўрабоев ҳар ойнинг 20-санасида изчил тарқатиб турибди. Турмуш ўртоғим ва оиламиз аъзолари билан келишган ҳолда нафақа пулларимизни банк томонидан жорий этилган «Кичкинтой» омонат турида жамғариб боришга аҳд қилдик.

— Савдо дўконимиз асосан маҳалламиз аҳолисига кундалик эҳтиёж моллари сотади, — дейди Самарқанд тумани, «Чордара» маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Чордара боғи» хусусий фирмаси раҳбари Нуриддин Рустамов. — Дўконга Халқ банки томонидан пластик карточкалар билан ишлайдиган терминал ўрнатдик. Бу харидорларга катта қулайликлар яратмоқда...

Бошқарма тизимидаги банк муассасалари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 776 миллион сўмлик, аҳолини уй-жойга бўлган талабларини қондириш мақсадида 274 миллион сўмлик ипотека кридетлари берилди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари жамоалари аҳолининг ишончли ҳамкори бўлиб қолмоқдалар.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат**



Беғубор фасл

# БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ

## БИЗДАН-ДА БАХТЛИ!

Болалик қандай беғубор фасл! Орамизда бирор кичкинтойни кўриб, ўз болалигини эсламайдиган ҳеч бир инсон бўлмаса керак. Чиндан ҳам болалик инсон умрининг баҳорий беғубор фаслидир. Уни ёдга ола туриб, беихтиёр орзиқиб кетамиз. Демак, бизнинг болалик давримиздан эслашга арзигулик хотиралар қолган. Бахтимиз ҳам шунда! Энди бу сўзларни алоҳида эътироф билан айтгимиз келади: ***Бугуннинг болалари биздан-да бахтли!*** Фикримизга ҳеч ким шарҳ сўрамаса керак. Ҳа, озод ватаннинг эрка болажонлари улар!

Шириндан-шакар кичкинтойлар билан бир суҳбат қуриб кўринг. Тўғрироғи, улар даврасига дўстона кириб боринг. Кузатинг, тингланг, савол-жавоб қилинг. Шундагина бугуннинг болалари бизнинг болалигимиздан нечоғли устун эканлигига шоҳид бўласиз. Уларнинг мурғак тасаввурида энг аввало уйғоқликни кўрасиз.

***«...Дунёни топширайлик болаларга,***
***Ҳеч бўлмаса бир кунга!..»***

Таниқли турк шоири Нозим Ҳикматнинг бу сўзлари тиниқлик соғинчидан яралган бўлса, не ажаб. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, болажонларнинг ўзаро аразларида ҳам қандайдир жозиба бордай. Икки болакайнинг биргаликда ўйнаб турган ҳолатида келишолмай қолганлигига ҳеч дуч келганмисиз? Аввалига бир-бирига норозилик билан тикилишади. Аразлаб ўз-ўзи билан қолади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қайсидир бири бошқа нарсани баҳона қилган кўйи югуриб келиб қолади... Қарабсизки, улар ўртасида ҳеч қандай воқеа юз бермагандай. Бу ҳолатни қандай изоҳласа бўларкан? Ёки болаларда биз катталар учун бегоналашиб бораётган кечиримлилик ҳамда ўз айбига иқрорлик сингари хислатлар серобмикан?.. Бундай саволлар олдида ҳаммамиз довдираб қоламиз. Шуни яхши билишимиз керакки, болажонлар бизнинг ҳаёт йўлларимизга разм солиб, нималарнидир ўрганаётган экан, улар ҳаётидаги кўпгина тиниқ ҳолатларни биз ўз ҳаётимизга татбиқ этолсак, нур устига аъло нур бўларди.

Ўз болалигимни эслаб, шундай бир шеър ҳам ёзган эдим:

*Болалигим, ортда қолган болалигим,*
*Софлигича содда қолган болалигим.*

*Ахир қандай унутайин, кунлар эмас,*
*Ҳар бир даминг ёдда қолган, болалигим.*

*Ҳақгўй эдинг, ёлғонларга унамасдинг,*
*Битта эртак тингламасдан тунамасдинг,*
*Ҳаммани дўст билар эдинг, синамасдинг,*
*Синовларга мени солган болалигим.*

*Сен умримнинг баҳорими эдинг унда?*
*Ҳаётимнинг оҳорими эдинг унда?*
*Нега менга «Биз биргамиз!» — дединг унда?*
*Шу бир сўзинг чиқди ёлғон, болалигим.*

*Пайқамабман, ортда қолиб кетганингни,*
*Опичлардим, сезсам толиб кетганингни,*
*Бу йўқотиш—мендан нолиб кетганингми? —*
*Билолмайин дилда армон, болалигим.*

*Қўмсайман-у кўрмоқликка ҳеч чора йўқ,*
*Лаҳза сайин умидларим кеч, чора йўқ.*
*Ҳозир сендай бахтли, мендай бечора йўқ,*
*Изларингга интизорман, болалигим.*

*Энди менга шўхликлар ҳам эриш бўлар,*
*Сен — танаффус, энди дарсга кириш бўлар,*
*Риёзатдан пешоналар тириш бўлар,*
*Бўлмайсанми менга дармон, болалигим?!*

*Катта ҳаёт сари мен ҳам қадам қўйдим,*
*Бўйним узра бўйинбоғлар қадаб қўйдим,*
*Ҳавас билан суратингга қараб қўйдим,*
*Тугмалари қадалмаган болалигим.*

*Хаёлимда сен ҳамиша биргадурсан,*
*Ҳали-ҳануз билмаганим ўргатурсан,*
*Юрагимни юксакларга ўрнатурсан,*
*Қишлоғимда, тоғда қолган болалигим,*
*Софлигича содда қолган болалигим?*

Болалик ҳақида гапириб, уни эсга олиб яна бир ҳолат ёдимга тушди. Мен ўшанда 5-синф ўқувчиси эдим. Устоз шоир Абдулла Ориповга ўз машқларимни мактуб орқали жўнатганман. Ҳеч қанча вақт ўтмай у киши болалар газетаси орқали менга оқ йўл тилади: «Болакай шоир». Бу ном ҳали-ҳануз мен учун шараф. Гўёки у бугун ҳам мен ва болалигим ўртасидаги узилмас риштадай қадрли...

**Ориф ТЎХТАШ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир**



Даъват

**Фарзандларимизни етук инсонлар қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўзбек болалар шеъриятига янгича оҳанг ва йўналиш олиб кирган адиб — Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон бу йил 60 ёшга тўлди.**

**Газетамизнинг муаллифларидан бўлган шоиримизга ижодда янада юксак парвозлар тилаб, унинг янги шеърларидан айримларини бугун ўз байрамини нишонлаётган азиз болажонларимизга совға қилмоқдамиз.**



# БОЛАЛАР БОР ЭКАН, БУ ДУНЁ АБАДИЙ...

### ОТА ЎГИТИ

*Ҳар битта сўз — сувдек азиз,*
*Ҳар битта сўз — нондек увол.*
*Тил бойлигин боғ деб билсак,*
*Ҳар битта сўз — битта ниҳол.*

*Бирон сўзни исроф қилмоқ*
*Бир кўчатни юлмоқликдир.*
*Бора-бора отамерос*
*Боғни хароб қилмоқликдир.*

*Э болам, ёт юртга борсанг,*
*Не аталур элинг, дерлар.*
*Қай миллатнинг вакилисан,*
*Борми она тилинг, дерлар.*

*Шунда, менинг қутлуғ тилим —*
*Навоийнинг шеъри, дегил.*
*Юртим — Улуғбегу Бобур,*
*Амир Темур ери, дегил.*

*Айт ғурур-ла Берунийлар,*
*Фарғонийлар аждодим, деб.*
*Қошғарийлар дарсин тинглаб,*
*Ўткирланган саводим, деб.*

*Мақтанма ҳеч қиммат кийим,*
*Олтинлару қасринг билан.*
*Фахр эт доим қудратли юрт,*
*Бой тил, насаб-наслинг билан.*

*Обрўйингни баланд тутмоқ,*
*Э болам, ўз қўлингдадир.*
*Сенинг оламдаги нархинг*
*Ватан, миллат, тилингдадир.*

### БУ САМО АБАДИЙ...

*Осмонни безар*
*Кулгилар парвози.*
*Дунёни қучар*
*Болалар овози.*

*Бу дунё аслида*
*Болалар гулбоғи.*
*Болалар аслида*
*Дунёнинг қурчоғи.*

*Гоҳида бу дунё*
*Болалар севинчи.*
*Гоҳида болалар*
*Дунёнинг илинжи.*

*Бу само абадий,*
*Бу зиё абадий.*
*Болалар бор экан,*
*Бу дунё абадий!*

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

Совға

## ЯНГИ

### МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

Нефтчилар шаҳарчаси — Қоровулбозор яна бир кўркам бино билан бойиди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида 250 ўринли махсус ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг замонавий биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликларга эга бўлган мазкур билим даргоҳида янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларга математика, кимё, физика, информатика фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

— Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароит мавжуд, — дейди мактаб-интернат директори Манзура Сайдаҳмедова. — Барча фан кабинетлари, ахборот-ресурс маркази замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер техникалари ҳамда зарур анжомлар билан таъминланган. Бунинг учун 64 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ЎзХДП иштирокида

## ОРОЛБЎЙИДА

### БАЙРАМ

Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланмоқда. Ўғил-қизлар учун байрам сайиллари, концерт дастурлари, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Байрам муносабати билан вазирликлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, ЎзХДП кенгашлари раислари Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи, 6-,3- махсус мактаб интернатлари, 9-махсус болалар боғчаси, Тахиатош шаҳридаги Меҳрибонлик уйи ва бошқа жойларда бўлиб, фарзандларимизнинг саломатлиги, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, совға-саломлар улашишди. Шунингдек, тадбир доирасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан ҳам хабар олиниб, байрам совғалари топширилди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



# «ҲИММАТИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЭЛИМ!»

### Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи реконструкция қилиниб, ҳомийлар кўмагида янгидан жиҳозланди

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Еттинчи синфда ўқийман, — дейди ўзини Озода Элмуродова, деб таништирган қизалоқ. — Аям оламдан ўтган, дадам қамалиб қолди. Беш йилдан бери ўн ёшли укам Сойим билан бирга шу ердамиз. Ҳамма нарса етарли, ҳеч нарсадан камимиз йўқ.

— Спортга қизиқаман, — дейди бешинчи синф ўқувчиси Жаҳонгир Маматқулов. — Янги спорт залимизда устозимиз Баҳром Ашуров раҳбарлигида спортнинг ўнлаб турлари бўйича машқ қилаяпмиз. Мактабни битирганимдан сўнг ҳарбий хизматчи ёки ички ишлар ходими бўлиб, Ватанимни ҳимоя қиламан.

...Бу даргоҳда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимизга куч-қувват тилагинг, қайсидир маънода кўнгли ўксик, ота-она меҳрига зор болажонлар учун ҳиммат кўрсатган ҳомийларга, саховатли кишиларга асло кам бўлманг, етимларга бирни берибсизми, Оллоҳ сизга мингни берсин, дегинг келади.

— Юртбошимизнинг эътиборларини, ғамхўрликларини иссиқ меҳрлари-ю, юрак тафтларини болажонларимиз ҳар кун, ҳар соат кўриб, билиб, сезиб туришибди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ислом Анорбоев.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятимиз бўйича 5 та янги мактаб қурилгани, 38 та умумтаълим мактабининг капитал реконструкция қилингани, 41 та мактабнинг таъмирдан чиқарилгани, бу ишларга нақд 15 миллиард сўм маблағ сарфлангани ҳам шундан далолат эмасми? Ҳозир биз кўриб турган ва 1994 йилдан бери таъмирланмаган Меҳрибонлик уйини капитал реконструкциядан чиқариш учун эса 423 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Унинг асосий қисми ҳомийлар, саховатпеша кишилар ҳиссасига тўғри келганини алоҳида эътироф этишни хоҳлардим. Ва яна келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиз учун қисқа муддатда мана шундай ажойиб кошонани яратиб берган «Мерос» кўп тармоқли хусусий корхонаси бунёдкорларига ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

...Одам боласи борки, яхши умид, нурли илинж билан яшайди, меҳр истайди, мурувват кутади. Тақдир тақозоси билан ё отасидан, ё онасидан, баъзан эса ҳар иккисидан ҳам айрилиб қолган ўғил-қизлар учун ҳамма шароитлар яратиб берилиши мумкин. Лекин барибир, бундай болажонларимиз кўнгиллари нимагадир зор, нигоҳлари кимларгадир интизор яшайди. Бундай пайтларда ана шу ўксик дилларга қайсидир жиҳатдан малҳам бўлгинг, меҳрга ташна юракларга меҳр бергинг, мурувват инъом этгинг келади. Бундай хайрли ишлар, савобли юмушлар, эзгу амаллар эса миллатимизнинг, халқимизнинг, элимизнинг қон-қонига сингиб кетган, азалий урф-одатларимизга, удумларимизга, ҳаёт тарзимизга айланиб қолганки, бундан беихтиёр фахрланасан, ғурурланасан. Аммо отаси ҳам, онаси ҳам бўла туриб гулдай боласини Меҳрибонлик уйига топширишни ўзлари учун ор деб билмаганлар, баъзида эса шахсий ҳузур-ҳаловатини кўзлаб фарзандини ўз бағридан узоқлаштирган юртдошларимизнинг ҳам борлигини ўйлаб, юрак-бағринг ўртанади.

— Атрофингизда лоақал биттагина бўлса-да меҳрга зор, мурувватга ташна бола бор эканки, сен ўзингни чинакам бахтли ҳис қилолмайсан, — дейди Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Гулнора Муҳаммедшина. — Бизда эса 110 нафар ана шундай қалб эгалари тарбияланишмоқда. Эртага уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига, чинакам бахтли бўлишларига ишонаман. Ҳозирча эса сизу бизнинг меҳримизга, ҳимматимизга, ёрдамимизга муҳтож. Шу ўринда Меҳрибонлик уйимизни қайта қуриш, янгидан жиҳозлаш чоғида саховат кўрсатган қўли очиқ, ҳимматли баланд юртдошларимизни «Ҳимматингдан айланай, элим!» дея улуғлагим келади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

## НАМОЙИШЧИЛАР

### ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

Венесуэла пойтахти Каракасда «Radio Caracas Television» («RCTV») хусусий телеканали ёпилишига қарши 5 минг кишилик намойиш бўлди. Намойишчилар билан полиция ўртасида тўқнашув юз бергач, полиция кўздан ёш оқизувчи газ, резина ўқ ва «водомёт» қўллаб, намойишчиларни тарқатиб юборди. Натижада уч нафар намойишчи ва бир полициячи тан жароҳати олди.

«Assiciated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, намойишчиларнинг асосий қисми талабалардир.

Эслатиб ўтамиз: Венесуэла президенти Уго Чавес «RCTV»нинг айрим кўрсатув ва эшиттиришлари давлат раҳбари юргизаётган сиёсатга қарши бўлгани учун унинг лицензиясини узайтиришга рухсат бермаган. Натижада телеканал кўрсатувлари тўхтаб қолган.

Эндиликда ушбу телеканал частотасини давлат телевидениесига бериш мўлжалланмоқда.



## АВТОМОБИЛЛАР

### БЕНЗИНДА ЭМАС, ҲАВОДА ЮРАДИ

Ҳиндистоннинг «Tata» компанияси яқин кунларда автомобиль ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос инқилоб ясамоқчи. Яъни компания ишлаб чиқарган янги автомобилларга ёнилғи сифатида бензин эмас, балки ҳаво «қуйилади».

«Tata Air Car» деб номланган ушбу янги автомобилнинг баки 340 литрлик ҳажмда бўлиб, унга махсус компрессор ёрдамида оддий ҳаво зичлаб тўлдирилади. Бу зич ҳаво эса двигателга келиб, мотор поршинини ҳаракатлантиради.



Компания вакилларининг айтишларича, бу хилдаги автомобиллар учун жойларда махсус «ёнилғи» қуйиш шохобчалари ташкил этилади. Улар автомобиллар бакини бир неча дақиқа ичида ҳавога тўлдириб бериш қувватига эга бўлади. Бунинг учун 2 доллар нарх белгиланган.

Мазкур автомобиллар бир «заправка» билан 200 километрлик йўл босади. Бироқ улар катта тезликда ҳаракатлана олмайди. Шуваждан улар шаҳарда ҳаракатланиш учун мўлжалланган.

Автомобиль баҳосини Ҳиндистон аҳолиси учун 11 минг доллар қилиб белгилаш режалаштирилмоқда. Кейинчалик эса АҚШ ва Европа бозорига ҳам чиқарилади, дейилади интернетнинг «Mail.ru» сайтидаги хабарда.

Билиб қўйган яхши

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бундан фуқаро ҳам, жамият ҳам бирдек манфаат кўради. Фикримизни асослаш учун кўпчиликка таниш бўлган бир мисолни келтирайлик. Маълумки, аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳамиша ортса ортадики, асло тўхтамайди. Аммо, маҳсулот етказиб беришнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор, бундан четлаб ўтиб бўлмайди. Хўш, маҳсулот етказиб бериш шартномаси деганда нимани тушунамиз, унга амал қилиш қандай кечяпти?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддасида қайд этилганидек, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, бир йилга тузилган, деб ҳисобланади.

Маҳсулот тафсилотлар рўйхатида кўрсатилган муддатда етказиб берилади. «Маҳсулот етказиб берувчи» муддатидан олдин маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга. «Маҳсулот етказиб берувчи»да тегишли шароит мавжуд бўлса, белгиланган муддатдан олдин буюртмачини огоҳлантирган ҳолда, муддатидан илгари маҳсулот тайёрлашга ариза қабул қилади. Буюртмачи тақдимномасидан кейин ўн кун ичида етказиб берилган маҳсулот муддатидан илгари ижро этилган ҳисобланади.

Аҳолининг қайси қатламига қарамайлик, хўжалик маҳсулотига мурожаат этади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни билан бу талабнинг ҳам ҳуқуқий томонлари белгиланган. Қонуннинг мақсад ва вазифалари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатларидаги ваколатларини белгилайди.

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шу ўринда бир масалани алоҳида таъкидлаш лозим. Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Ҳар бир замоннинг ўз талаблари бўлади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир фуқаро, ташкилот ва идора раҳбарларидан хўжалик шартномаси қоидаларидан яхши хабардор бўлишни тақозо этмоқда. Ўзгариш ва янгиликлардан хабардор киши ҳеч қачон адашмайди, ютқазмайди.

**Алишер ҒУЛОМОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими**

Спорт

**Истеъдодли футболчимиз 2 июнь куни пойтахтимиздаги МҲСК стадионида хайрлашув учрашувини ўтказади. Тантанали маросим доирасида Ўзбекистон миллий ҳамда Миржалолнинг дўстларидан ташкил топган Евроосиё терма жамоалари ўйини, шунингдек, таниқли ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилади.**

# ФУТБОЛИМИЗ ЮЛДУЗИ

## Миржалол Қосимов мамлакатимиз Президенти Фармонига кўра, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди



Юксак иқтидор ва маҳорат соҳиблари ҳақида сўз кетса: «Бундайлар юз йилда бир туғилади», деган иборани ишлатамиз. Дарҳақиқат, салкам юз йиллик тарихга эга ўзбек футболида ҳам Геннадий Красницкий, Бីродар Абдураимов, Ҳамид Раҳматуллаев, Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Василис Хадзипаникис каби машҳур юлдузлар ҳақида ҳам ана шундай эътирофлар айтилган. Лекин улар орасида Миржалол Қосимовгина ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа, катталар ўртасида Россия чемпиони ва кумуш медали совриндори, XII Осиё ўйинлари ғолиби деган қатор фахрли унвонларга сазовор бўлган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси унинг сардорлигида қатор нуфузли мусобақаларда ўзининг энг ёрқин ўйинларини намойиш этди, мухлислар меҳрини қозонди. Миржалол бир неча карра Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги соҳиби бўлди. Тўрт маротаба (1993, 1998, 2000, 2004 йиллар) юртимизнинг «Энг яхши футболчиси», деб эътироф қилинди. Бундай ғалабаларга иқтидорли футболчимиз машаққатли ва оғир меҳнати, сабр-бардош, чидами туфайли эришди.

Ўзбекистон Футбол федерацияси ташкилотчилигида Миржалол Қосимов ўзининг катта футбол билан хайрлашув учрашувига ҳозирлик кўраётган айни лаҳзаларда миллионлар меҳрини қозонган спортчимизнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан яна бир бор муносиб тақдирланди. Мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра, ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қосимов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Мамлакатимизнинг бу юксак мукофоти «Ўзбекистон ифтихори» унвони, «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени, «Шуҳрат» медали соҳиби, «Она замин юлдузлари» фестивали лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимовга меҳнатига берилган яна бир эътироф намунасидир.

Аслида у катта футбол билан тантанали хайрлашув учрашувини ўтган йилнинг баҳорида ўтказиш ниятида эди. Аммо маълум сабаблар бунга йўл бермади. Аниқроғи, бунга мамлакатимиз миллий терма жамоаси ўйинлари тақвим режасининг тиғизлиги ноқулайлик туғдирганди. Бунга жавобан Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчиларининг Осиё кубоги саралаш баҳсларида муваффақият қозониб, финал босқичига йўлланма олганликлари Миржалолнинг ҳам қувончига қувонч қўшди. Энг муҳими, катта спорт байрами — хайрлашув учрашуви барчага татийдиган бўлди.

ЎФФ матбуот хизматидан олинган маълумотларга кўра, тантаналар 2 июнь куни соат 17.00 да пойтахтимиздаги МҲСК стадионида бошланади. Катта байрам тусини олиши кутилаётган тадбир бошида таниқли эстрада юлдузларининг концерт дастури намойиш этилади. Сўнгра майдонга шу йилнинг июль ойида бўладиган навбатдаги Осиё чемпионатига ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда Евроосиё терма жамоалари чиқишади. Дастур бўйича тадбир қаҳрамони Миржалол Қосимов ҳамда легионер футболчиларимиздан бири Андрей Фёдоров («Рубин» Қозон, Россия)лар 45 дақиқадан ҳар икки жамоа таркибида тўп суради. Евроосиё терма жамоаси таркибида шу куни мухлислар таниқли футболчилар Алексей Поляков («Локомотив» Москва, Россия), Сергей Игнашевич (ЦСКА, Россия), Игор Тарловский («Дарида», Белорусь), Карен Дохоян («Пюник», Арманистон), Андрей Тихонов («Химки», Россия), Дарюс Жутаутас («Атлантас», Литва), Али Дайи («Сайпа», Эрон), Эрик Брабец («Арау», Швейцария), Сами ал-Жабер («Ал-Ҳилол», Саудия Арабистони)лар ўйинидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Шунингдек, хайрлашув учрашувига таниқли мураббийлар Валерий Газзаев, Александр Бородюк, Борис Игнатьев, Игор Яновский (Россия), Ориф Асадов, Нозим Сулаймонов (Озарбайжон), Сергей Беженар, Анатолий Мушинка (Украина), Хорен Оганесян (Арманистон), Михаил Кавелашвили (Грузия) сингари фахрий меҳмонлар ҳам таклиф этилган.

**Эркин ХОЛБОБО**

Китоб жавонингизга

# ТОҒАЙ МУРОД

## ЭККАН ЧИНОРЛАР




Ўзбек миллий адабиёти майдонига 1976 йили ўзининг илк чинори — «Юлдузлар мангу ёнади» деб номланган қиссаси билан кириб келган ёзувчи Тоғай Мурод ҳақида сўз кетса, ҳеч иккиланмай қўлига кўзгу тутиб «Мен ўзи кимман? Қаердан келиб қаёққа кетаяпман? Кимнинг авлоди эканлигимни биламанми ўзи? Мен ЎЗБЕКман ва бу билан фахрланаман!», дея ҳайқираётган инсон қиёфаси кўз олдимга келади. Рост, унинг «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Отамдан қолган далалар» ва ниҳоят... «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» деб номланган қатор қисса ва романларида ҳам тўпори ва меҳнаткаш, ҳалол ва тўғрисўз, ҳар қадамида яхшилик унадиган, бир сўз билан айтганда, одамзотдаги энг улуғ фазилатларни ўзига байроқ қилиб яшайдиган халқ образи бор бўй-басти билан гавдаланади. Тоғай Муроднинг Бўри полвони-ю Деҳқонқули ҳам, Зиёдулласи-ю Жамолиддин кетмони ҳам осмондан тушган эмас, балки сиз билан, биз билан ёнма-ён, девор-дармиён ёхуд елкама-елка яшаб, бир дарёдан сув ичиб юрган одамлар эди. Шунинг учун ҳам адибнинг ҳамма қаҳрамонлари бизга жуда тез фурсат орасида қадрдон бўлиб кетди, эл бўлиб кетди.

Кеча эса... **«Адабиётга тутаб эмас, ёниб кирган»** (Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таъбири) Тоғай Муроднинг ўз замондошлари хотиралари асосида битилган **«Мен қайтиб келаман»** деб номланган китоби «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди. Адибнинг дунёдан ўтганига роппа-роса тўрт йил тўлди. Ана шу ўтган тўрт йил менинг назаримда, унинг бетакрор ижоди учун ҳам бир синов бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки истаймизми, йўқми, барибир, адабиётнинг ҳеч жойда ёзилмаган шафқатсиз қонунлари ҳам бор. Бу бевосита элнинг, улуснинг эътирофи, қолаверса, ВАҚТ аталмиш ҳакамнинг ижодкор қисматига ёзиб қўйган нома-ю аъмоли билан боғлиқ. Биз кўпинча армонда қоламиз: бирон машҳур шоир ё адиб, ёхуд халқ суйган санъаткор қазо қилса...афсус чекамиз. Тириклигида қадрлай олмаганимиз учун бир-биримиздан ёзғирамиз. Хўш, бундай надомату афсуслардан кимга фойда?

Ҳаётлигида жимгина, ўз юрагини қийнаб, чинакамига адабиёт учун хизмат қилган, **«фавқулодда инсон, фавқулодда адиб, ўхшаса, фақатгина ўзига ўхшайди»**ган (Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов эътирофи) Тоғай Мурод ҳам бу дунёдан ўтганидан кейингина унинг ўрни ва қадр-қиммати қанчалар баланд эканлигини англай бошладик. Очиғи, мен бундай некбин хулосаларимни шу пайтгача кўпчилик учун сирли, ҳамма ҳам англайвермайдиган, лекин жудаям оддий, айни чоғда ўзига хос феъл-атворли инсоннинг ҳаёт тарзи хусусида ушбу китобда битилган кечинмаларни ўқиб, ёзаяпман. **«Баъзан ўйлаб қоламан: Тоғай ўзи учун муқаддас деб билган ва ўзидан бошқаларга сирлилигича қолган ички дунёсини асарларига, асарларидаги қаҳрамонлари дунёсига кўчириб улгурдими-йўқми?.. Бир нарса дейиш қийин...»** Бу — ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг адиб ҳаёти ва ижодидаги ўзига хос жиҳатлар хусусидаги кузатувларидан бир парча.

Китобда номлари зикр этилган ҳар бир ижодкорнинг, қолаверса, у билан ҳамнафас яшаган инсонларнинг Тоғай Муродни Тоғай Мурод қилган адабий муҳит ҳамда ҳар бир юракда яшаб келаётган унутилмас хотиралар, қизиқ-қизиқ воқеалар... уларнинг ҳар бири кўнгилга таскин беради. Демак, шундай улуғ халқимиз бор экан, шундай улкан адабиётимиз бор экан, Тоғай Муроддай тириклигида **«ўзига ҳайкал қўйиб кетган»** (ёзувчи Носир Фозилов таърифи) шоиру адибларимиз юлдузлари мангу ёнаверади. Улар экиб кетган чинорлар — ёзган асарлари тимсолида асрлар оша яшаб қолаверади.

**Норқобил ЖАЛИЛ**

31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

# КАШАНДА

## ЎЗИНИНГ ВА ЎЗГАНИНГ СОҒЛИҒИГА ЖИДДИЙ ЗИЁН ЕТКАЗАДИ




Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти халқаро миқёсда тамаки чекишга қарши турли хил тадбирлар ўтказади. Жумладан, 31 май дунёда «Кашандаликка қарши кураш куни», деб эълон қилинган. Бинобарин, мамлакатимизда ҳам айниқса, ёшлар орасида тамаки чекишни чеклаш борасида тарғибот-ташвиқотлар олиб борилуяпти.

Тошкент архитектура қурилиш институтида Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Саломатлик институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамкорликда «Атроф-муҳитни тамаки тутунидан холи асранг» мавзуида тадбир ташкил этди.

Унда маърузачилар тамакининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири, унинг асоратлари хусусида ҳаётий мисоллар асосида гапирдилар.

— Дунё аҳолисининг деярли ярми чекади, 650 миллионга яқини эса мунтазам чекувчилардир, — деди ўз сўзида республика Наркология маркази врач-наркологи Венера Кадиркаева. — Энг ташвишли томони шундаки, дунёда ҳар йили тамаки чекмайдиган юз мингдан ортиқ аҳоли иккиламчи хавф, тамаки тутунидан нафас олиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмадилар. Афсуски, бизнинг баъзи ҳудудимиз ҳам бу муаммодан ҳоли эмас.

Дарҳақиқат, олимларнинг илмий-тадқиқотлари натижасига қараганда, иккиламчи тамаки тутунида бир неча минг кимёвий моддалар мавжуд, уларнинг 250 тага яқини саратонни келтириб чиқарувчи заҳарли хусусиятларга эга. Бундай кимёвий модда ҳидсиз ва рангсиз ис гази (CO)дир. Аксарият ҳолларда эшик, дераза берк хонада чекувчи одам иккиламчи тамаки тутуни билан нафақат ўзини, балки атрофдагиларни, яқинларини ҳам заҳарлайди.

Маълумки, иккиламчи тамаки тутуни (чекмайдиганлар) инсон организмида юракнинг ўткир ва сурункали оғир хасталикларини келтириб чиқаради. Оилада ота-оналарнинг чекиши оқибатида болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши сусаяди, турли хил хасталикларга тез чалинади, астма ва бошқа нафас йўллари касалликларига йўлиқиш хавфи ортади. Ҳомиладор аёлларда иккиламчи тамаки тутуни гўдакнинг чала, кичик вазнда туғилишига олиб келади.

Дунё миқёсида хотин-қизлар орасида тамаки чекувчилар сони ортиб бораётганини кўрсатяпти. Тадқиқотлар чекувчи аёлнинг фарзанди юраги, бурун-ҳалқум соҳаси, чов даббаси нуқсони билан туғилиши мумкинлигини исботлаяпти. Айниқса, кашанда оналарнинг чақалоғида туғма ғилайлик ва ақли заифлик кўп кузатилган. Шунингдек, уларнинг гўдаклари нафас қисиш, бронхит, зотилжам, ўпка касалликларига тез чалинадилар.

Мухтасар айтганда, чекувчи, кашандалар ўз соғлиғига ва атрофдагилар, оила аъзолари, фарзандлари, ўзгаларнинг саломатлигига икки карра зарар етказадилар. Зотан, инсонни бундай зарарли одатлардан маънавий баркамоллик, соғлом маънавий муҳит муҳофазалайди.

Зеро, жамиятимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда ҳар биримиз масъулмиз.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ШЎРТАН» ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қарши шаҳридаги «Геолог» ўйингоҳини реконструкция қилиш** — ёпиқ бассейн ҳавзаси ва теннис корти қурилиши.

**Қурилиш муддати** — 2007 йил 1 декабрь.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3.250.254.862 сўм.

**Буюртмачи** — «Шўртан» газ кимё мажмуаси.

**Манзил** — Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани. Телефонлар: (8-375) 221-02-27, 275-94-14. Факс: 221-08-46.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** — «Шўртан» ГКМ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:***

❖ етарли касбий ва техникавий малакага;

❖ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;

❖ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;

❖ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;

❖ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

***Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси:*** *Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.*

**Тел/факс: (8-375) 223-10-63.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

**Бир тўплам тендер ҳужжатлари нархи — 60 000 сўм.**

*Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.



ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

**объявляет тендер №10 на 2007 год на приобретение ниже перечисленных запасных частей и комплектующих для грузового вагона согласно графика поставки (3-4 квартал 2007 года) по лотам:**




*1. Рама боковая в сборе № чертежа 100.00.020 — 4 сб в количестве 2000 штук.*

*2. Балка надрессорная в сборе № чертежа 100.00.010 — 4 сб в количестве 1000 штук.*

*3. Каркас тележка модели 18-100 без колесной пары в количестве 200 штук.*

*4. Подшипник буксовый 30-42726 в количестве 4 584 штук.*

*5. Подшипник буксовый 30-232726 в количестве 4 584 штук.*

За тендерной документацией обращаться по адресу: **г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410. Телефоны: 138-84-72, 138-86-34.**

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.


Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Пискент туман кенгаши партия фаоли, «Янгиобод» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти раиси Сабохон Тоирхоновага онаси **БАШОРАТХОН** аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Тошкент шаҳар суд тиббий экспертиза бюроси жамоаси олий тоифали суд тиббиёт эксперти, Тошкент Тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси ассистенти **Баҳодир ТАДЖИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси институт шифокори Қаноат Муҳамедовага умр йўлдоши **Шавкат МУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

*Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.*

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 449
*11330 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda